

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 24 (527) 2006 йил 31 май

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча банкларда депозит сий-сатининг олиб борилиши алоҳида аҳамиятлидир. Чунки, бугунги кунда аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш амалиёти ҳар икки томон – банк ва мижоз учун ҳам самарали кечмоқда. Яъни, бунда бир томондан мижоз маблағининг хавфсизлиги таъминланиб, унга қўшимча даромад тўланади. Шунингдек, банкда пул маблағларининг тўхтовсиз айланиши йўлга қўйилиб, кредит ресурслари базаси янада мустаҳкамланади.

Бундай самарали кечаётган депозитар амалиётнинг бажарилиши бошқа банклар қатори Халқ банкида ҳам яхши йўлга қўйилган. Мижозлар эътиборига жами 20 дан ортиқ депозит турларини тақдим этган мазкур банк яқинда навбатдаги янги омонат турини жорий қилди. "Айём" деб номланувчи ушбу омонат Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан тақдим этилиб, унга қўйиладиган пул маблағлари камида 10 минг сўм миқдоридан белгиланган. Бул муддати эса, 100 кун давом этади. Ушбу омонат учун ҳисобварақ очган шахс фоиз даромадини олиш билан бир вақтда қўшимча 1 млн. сўм пул ютуғи совриндори ҳам бўлиши мумкин. Жорий йилнинг 1 сентябрга қадар қабул қилинадиган "Айём"нинг ютуқли тиражи шу ойнинг охирида Марғилон шаҳрида

ўтказилади.

Шунингдек, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шарти билан тақлиф қилинаётган "Ташаббус" омонати ҳам Халқ банки томонидан жорий қилиниб, 3 ой муддатга бошлангич бадал тўлови камида 20 минг сўм миқдоридан қабул қилинади. Бу омонатнинг мижоз учун афзаллик томони шундаки, омонатчи ҳисобварақига кириб қилинган маблағга ҳисобланиши лозим бўлган фоизни шу куннинг ўзида фойдаланилган коммунал тўловлар учун нақд пулсиз ўтказиб бериши мумкин.

Ўзининг жозибадор омонатларини тақлиф этаётган банклар қаторида "Галлабанк" ҳам мавжуд бўлиб, у ўз мижозларини "Хирмон" сари чорламоқда.

Янги қисқа муддатли "Хирмон"омонатининг йиллик фоиз ставкаси 22 фоизни ташкил этиб, маблағлар 2 ой сақлаш

шарти билан 25 майдан 1 июнгача давом этади. Ушбу омонатга қўйилган дастлабки депозит суммасига қўшимча маблағ қўйилмайди ҳамда фоизлар капитализация қилинмайди.

"Галлабанк" томонидан тақлиф этилаётган мазкур омонатнинг бошқаларидан фарқи шундаки, бунда маблағ, омонатчи номига бир марта алоҳида ҳисобварақ очиш орқали қабул қилинади. Мижозлар қабул қилинадиган маблағларнинг энг кам миқдори эса, 100 минг сўмни ташкил этиб, унинг юқори миқдори чегараланмайди.

Шунингдек, бугунги кунда банкнинг "Имконият", "Саломатлик", "Нафақа-мададор", "Люкс" каби бир неча юқори фоизли омонатлари мавжуд бўлиб, уларга қўйилган маблағнинг қолдиқ суммаси жорий йилнинг 25 май ҳолатига 6,2 млрд. сўм, муддатли депозитники эса, 5,4 млрд. сўмни ташкил қилади. Пул муомаласи ва касса амалиётлари бошқармасининг таъкидлашича, айна пайтда 38 мингга яқин омонатчининг пул маблағлари "Галлабанк" жамғарма кассаларида сақланмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БУ СОНДА:

2

Кредит карточка муомаласидаги қулайликлар

6

Инвестициялар кўлами кенгаймоқда

7

ЕТБ Ўзбекистонда: кичик бизнесни қўллаб-қувватлаб

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	925,93
1 Англия фунт стерлинги	2272,42
1 Дания кронаси	208,86
1 БАА дирҳами	332,75
1 АҚШ доллари	1221,86
1 Миср фунти	212,13
1 Исландия кронаси	16,80
1 Канада доллари	1105,76
1 Хитой юани	152,30
1 Кувейт динори	4226,57
1 Россия рубли	45,20
1 Украина гривнаси	241,95
100 Ливан фунти	81,40
1 Малайзия рингити	336,32
1 Норвегия кронаси	199,20
1 Польша злотийси	398,66
1 Сингапур доллари	774,16
1 СДР	1821,43
1 Туркия лираси	799,65
1 Швеция кронаси	167,44
1 Швейцария франки	997,52
1 ЕВРО	1557,02
10 Жанубий Корея вони	12,90
10 Япония иенаси	108,86

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

"ПАХТА БАНК"НИНГ ТАШҚИ ВАКИЛЛИК АЛОҚАЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд барча давлат ва тижорат банклари дунёнинг йирик молиявий ташкилотлари билан алоқа ўрнатиб, ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Улар хорижий институтлар билан мамлакатда инвестицион муҳитни тобора яхшилаш ҳамда иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" ҳам неча йилдирки, жаҳоннинг 20 дан ортиқ халқаро ва хорижий банклари билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Буларга Россия ("Азия-Инвест" банки, АКБ "Промсвязьбанк"), Германия ("Дойче Банк" АГ, "Банк Гезельшафт Берлин" АГ, "Коммерц Банк" АГ, "Дрезднер Банк" АГ), Австрия ("Банк Австрия" АГ, "РЗБ-Австрия"), АҚШ (ЖП "Морган Чейз Банк", "Американ Экспресс Банк"), Швейцария

("Банк де коммерц ет де Плейссмент"), Туркия (ТЖ "Зираат Банкаси") ҳамда Корея ("Корея Эксчейнчи Банк") каби бир қанча ривожланган давлатларнинг йирик молиявий ташкилотлари билан ўрнатган ташқи вакиллик алоқаларини киритиб ўтишимиз мумкин. Хусусан, ўтган йил мазкур банк ташқи иқтисодий фаолиятнинг бир неча йўналишлари бўйича ижобий натижаларни қўлга киритди. Бизнес режанинг 2005 йил учун кўзда тутилган хорижий валюталар билан операциялар бўйича асосий кўрсаткичлари тўлиғича бажарилди. Банкнинг ресурс базаси тузилмасида олдинги йиллардаги кўрсаткичларга таққосланганда конвертация маблағлари ва нақд хорижий валютанинг юқори улуши сақланиб қолди. Мазкур биржа ва биржадан ташқари бозорида конвертациялар бўйича операциялар ҳажми ҳисобот йилида 142 млн. 700 минг АҚШ доллари ташкил этди. Бу 2004 йилдагига нисбатан 1,6 марта кўп демакдир.

(Давоми 2-бетда).

"ГАЛЛАБАНК" ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА

Хукуратимиз томонидан 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мавжуд молиявий ташкилотлар томонидан жамоатчилик орасида кенг кўламда татбиқ этилмоқда.

Хусусан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, шунингдек нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида РАТБ "Галлабанк" томонидан ҳам бугунги кунда муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосан банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан пластик карточкалар тизимини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган салмоқли ишлар эътиборга моликдир. Бу эса, мазкур амалиёт банкнинг ҳудудий бўлимларида яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Жумладан, 2005 йилнинг март ойида банкнинг Тошкент шаҳридаги филиалларида йўлга қўйилган ушбу замонавий тизим эндиликда барча вилоятлар-



даги минтақавий филиалларда амалга оширилмоқда. Хусусан, "Галлабанк"нинг Фарғона вилоят филиалида мазкур тизим яқиндагина йўлга қўйилганига қарамай қисқа фурсат ичида яхши натижаларга эришилди. Жами 35 та корхона ва ташкилот ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларини ушбу тўлов воситаси орқали беришни жорий қилган мазкур филиал бугунги кунда умумий миқдори 5300 дондан ортиқ пластик карточкаларни муомалага чиқарди. Мижозларнинг иш ҳақлари ҳисобидан пластик карточка ҳисобварақларига ўтказилган маблағ 2006 йилнинг 20 май ҳолатига 80,0 млн. сўмни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 30 май ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
УЗР ТИФ МБ	1227,00	1230,00	1558,00	1578,00
"Асака" банки	1227,00	1230,00	1558,00	1573,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1230,00	1232,00	1557,00	1567,00
"Пахта Банк"	1227,00	1231,00	1560,00	1570,00
"Халқ банк"и	1227,00	1230,00	1558,00	1574,00
"Ипотекабанк"	1227,00	1230,00	1558,00	1570,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1230,00	1230,50	1567,00	1574,00
"ЎзДЭУбанк"	1229,00	1235,00	1558,00	1573,00
"Галлабанк"	1227,00	1230,00	1558,00	1568,00
"Трастбанк" АББ	1227,00	1230,00	1558,00	1578,00
"Алп Жамол банк"	1230,00	1235,00	1567,00	1574,00
"Алоқабанк"	1229,00	1232,00	1558,00	1580,00
"У-Т банк"	1230,00	1232,00	1560,00	1580,00
"Туронбанк"	1227,00	1230,00	1565,00	1573,00
"Савдогарбанк"	1227,00	1230,00	1558,00	1570,00
"Ипак йўли" банки	1227,00	1229,00	1563,50	1566,12
"Тадбиркорбанк"	1227,00	1230,00	1568,00	1570,00
"Туркистон" банк	1227,00	1230,00	1550,00	1570,00
"Даврбанк"	1230,00	1234,00	1585,00	1600,00
"Кредит-Стандарт" банки	1230,00	1233,00	1557,50	1575,00
"Капитал банк"	1227,00	1232,00	1557,10	1580,00
"Содерат банк"	1230,00	1235,00	1558,00	1578,00
"Ҳамкор" банк	1228,00	1230,00	1558,00	1578,00
"Универсалбанк"	1230,00	1235,00	1566,00	1576,00
"Парвинабанк"	1227,00	1230,00	1559,00	1567,00



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилшини таъминлаш;

микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

3. Белгилансинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилга 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 қаррагача миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 қаррагача миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 200 қаррагача миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйи-

ча хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун илгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

4. «Микрокредитбанк» микрокредитларни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиётчилик ҳолларига йўл қўймагин. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда қарз олувчи томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати фақат:

микрокредит олишга буюртманома; бизнес-режа; микрокредит қайтарилшини таъминлашини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги муваққат низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» ресурс базасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

акциядорларнинг банк устав сармоясини шакллантиришга йўналтирадиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007-2010 йиллар мобайнида Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтирадиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 фоиз ставка бўйича 10 йил муддатга 10 млрд. сўм миқдорида бериладиган ҳар йилги ссудалар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасининг кредит

линиялари.

6. Белгилансинки, микромолиялаштириш шартномалари, шунингдек, гаров, кафолат шартномалари ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоизи ставкаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

«Микрокредитбанк» филиалларининг Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига киришини таъминласин ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка кўмаклашсин.

8. «Микрокредитбанк» 2011 йилнинг 1 январигача:

даромад (фойда) ва мулк солиқлари тўлашдан;

олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йиғимлардан ташқари);

банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. Каримов
Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 май.**

МИЖОЗЛАР МАМНУНИЯТИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Бу ҳукуватимиз томонидан давлат бошқарувининг бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлаганлиги ҳамда мазкур соҳани ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар самарасидир.

Тадбиркорларнинг мана шундай эркин фаолият юртиши учун ўз хиссаларини қўшаётган ташкилотлар қаторида банклар ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан субъектни молиявий томонлама қўллаб-қувватлайди.

- Менинг асли касбим шифокор. 1-Республика клиник шифохонасида уролог бўлиб ишлайман, - дейди акциядорлик - тижорат «Пахта Банк» мижози бўлган Алишер ака Бобоев. - Оилали бўлган, инсоннинг турмуш даражаси бироз мураккаблашар экан. Турмуш гардани бошингизга тушган кунининг келажаги, равнақи ҳақида қайғура бошлайсиз. Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши, деганларидек ҳар бир инсон ўзини молиявий танглиқдан асрашга ҳаракат қилади. Атрофга қарасам, жуда кўпчилик асосий фаолиятдан ташқари қўшимча даромад олиш учун тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланаяпти экан. Худди шунингдек, мен ҳам оиламдагилар билан маслаҳатлашган ҳолда хусусий корхона очишни ният қилдим.

Чексиз орзу-ниятлар, катта-катта мақсадлар ҳар доим ҳам ўзини фаолиятда, амалиётда намоён этавермайди.

Бирок, токи кишида қатъиятчилик, ўзига нисбатан ишонувчанлик, сабру бардошлик каби инсоний хусусиятлар бор экан, у албатта, кўзлаган мақсадига эришади.

Бугунги кунда «Табиб-фарм» хусусий корхонаси раҳбарига айланган Алишер Шукуруллаевич мана шундай инсонлардан биридир.

- Тадбиркор бўлиш учун кўп нарса талаб қилинмас экан, - дейди қахрамонимиз суҳбат чоғида, - моддий маблағни ҳисобга олмаганда (кулиб). - Бирок, мен бу йўлдан ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз чиқиб олдим. Яъни, бу борада менга банкдан олган кредитим асқотди.

Дори-дармон воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи мазкур корхона ўз фаолиятини кенгайтириш, иш унумдорлигини ошириш, қолаверса аҳолининг ушбу зарурий воситаларга бўлган эҳтиёжини янада қондириш мақсадида деярли ҳар йили банкдан кредит олиб иш юритади.

Дастлаб 10 млн., сўнгра 20 млн. сўм кредит олган «Табиб-фарм» хусусий корхонаси ҳақида банк жамоасининг ҳам фикри ўзгача.

- «Пахта Банк» мижозлари орасида ўз

фаолиятини юридик шахс бўлмасдан туриб олиб бораётган субъектлар талайгина. Улар ичида «Табиб-фарм» хусусий корхонасининг фаолияти алоҳида аҳамиятлидир, - дейди банк кредит бўлими бошлиғи Шерзод Қодиров. - Корхона банкдан олган қарзини ўз вақтида узиб борганлиги сабабли бизнинг унга бўлган ишончимиз кучайган. Шу сабабли, 2005 йил ноябр ойида яна мазкур корхона раҳбари Алишер Бобоев томонидан тушган аризани ўз вақтида ўрганиб чиқиб, унга банк ресурс базасидан яна 30 млн. сўм кредит ажратдик.

Ҳақиқатан ҳам ўзаро ишонч муваффақият гарови ҳисобланади. Қахрамонимизнинг эътирофи этишича, бугунги кунда корхонанинг даромади 40 фоизга кўтарилган. Бу кўрсаткич эса, ўз ўзидан корхонанинг банкдан олган қарзини муддатидан олдин тўланишини кафолатлайди.

- Бир йилдан буён исириқ брикетлари ишлаб чиқарамиз. Бундан кейин ҳам фақат чакана савдо билан чекланиб қолмасдан бошқа табиий гиёҳлардан дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Нима ҳам дердик, мана шундай халқ дардига дармон бўлиб, давлатимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган «Пахта Банк»нинг «Табиб-фарм»дек мижозлари кўпаяверсин.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



2006 йил 2 майдан
6 майгача бўлган
даврдa АҚШ долларининг
миллий валюталарга
нисбатан курсидаги
ўзгаришлар*

1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

03.05.2006 й.да - 27,24 росс. рубли
04.05.2006 й.да - 27,16 росс. рубли
06.05.2006 й.да - 27,13 росс. рубли

Украина

03.05.2006 й.да - 5,0500 гривна
04.05.2006 й.да - 5,0500 гривна
05.05.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси

02.05.2006 й.да - 2149,75 бел. рубли
03.05.2006 й.да - 2149,75 бел. рубли
04.05.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли
05.05.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли
06.05.2006 й.да - 2150,00 бел. рубли

Эстония

02.05.2006 й.да - 12,3736 крона
03.05.2006 й.да - 12,3699 крона
04.05.2006 й.да - 12,4121 крона
05.05.2006 й.да - 12,3299 крона
06.05.2006 й.да - 12,2890 крона

Латвия

02.05.2006 й.да - 0,5504 лат
03.05.2006 й.да - 0,5500 лат
04.05.2006 й.да - 0,5521 лат
05.05.2006 й.да - 0,5484 лат
06.05.2006 й.да - 0,5466 лат

Литва

02.05.2006 й.да - 2,7318 лит
03.05.2006 й.да - 2,7301 лит
04.05.2006 й.да - 2,7402 лит
05.05.2006 й.да - 2,7209 лит
06.05.2006 й.да - 2,7126 лит

Қирғизистон Республикаси

06.05.2006 й.да - 40,8001 сом

Тожикистон Республикаси

03.05.2006 й.да - 3,2141 сомоний
04.05.2006 й.да - 3,2143 сомоний
05.05.2006 й.да - 3,2145 сомоний

Қозғистон Республикаси

02.05.2006 й.да - 124,29 тенге
03.05.2006 й.да - 124,34 тенге
04.05.2006 й.да - 123,55 тенге
05.05.2006 й.да - 123,29 тенге
06.05.2006 й.да - 123,28 тенге

Швейцария

02.05.2006 й.да - 1,2357 швейц. франки
03.05.2006 й.да - 1,2346 швейц. франки
04.05.2006 й.да - 1,2387 швейц. франки
05.05.2006 й.да - 1,2306 швейц. франки
06.05.2006 й.да - 1,2264 швейц. франки

Япония

02.05.2006 й.да - 113,31 япон иенаси
03.05.2006 й.да - 113,20 япон иенаси
04.05.2006 й.да - 113,85 япон иенаси
05.05.2006 й.да - 113,92 япон иенаси
06.05.2006 й.да - 112,58 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буёқ Британия

02.05.2006 й.да - 1,8377 АҚШ долл.
03.05.2006 й.да - 1,8422 АҚШ долл.
04.05.2006 й.да - 1,8422 АҚШ долл.
05.05.2006 й.да - 1,8502 АҚШ долл.
06.05.2006 й.да - 1,8593 АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақ

02.05.2006 й.да - 1,2636 АҚШ долл.
03.05.2006 й.да - 1,2645 АҚШ долл.
04.05.2006 й.да - 1,2603 АҚШ долл.
05.05.2006 й.да - 1,2687 АҚШ долл.
06.05.2006 й.да - 1,2725 АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
2006 йил 22 апрел
№ 1122-4

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И**

2006 йил 2 майдан кучга киради

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
Қ А Р О Р И**

2006 йил 8 апрел

№9/5

Тошкент шаҳри

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ
ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 1122,

15.04.2002 йил) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Раиси

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

**Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 8 апрелдаги
9/5 - сонли қарорига илова
(№ 60-4)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида»ги Низом (19.02.2001 йилдаги рўйхат №1010) сўзлари ««Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом (14.02.2006 йилдаги рўйхат №1545)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 41-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: республика бюджетидан молиялаштириш жараёнида белгилангандан ортиқча ўтказилган маблағларни қайтариш учун бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига;

юқори молия органлари - қуйи молия органларининг бюджет ҳисобварақларига;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ноқонуний олинган маблағлар ва жарималарни ундириб олиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларига;

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган хорижий кредитларни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлари бўйича қарздорлар ва субқарздорларнинг миллий ва чет эл валюталаридаги банк ҳисобварақларига.»

3. 87 ва 88-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
2006 йил 14 феврал
1545-сон

**«МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ БАНКЛАРАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ
ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ
Қ А Р О Р И**

2006 йил 17 январ

№ 1/3

Тошкент ш.

2006 йил 24 февралдан кучга киради

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-

зирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими орқали ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 1010-1-сон, 2004 йил 22 июн) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Марказий банк Раиси

Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ БАНКЛАРАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек тизим аҳамиятидаги тўлов тизимларини тузишнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

1) Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда - МБ ҲКМ) - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоблар бошқармаси бўлими бўлиб, унинг вазифасига тижорат банкларининг Бош офисларига (кейинги ўринларда - банклар) вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш киради;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлими - бу Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаментининг бўлими бўлиб, унинг вазифасига Марказий банк ягона балансида Марказий банкнинг банклараро ва филиаллараро тўловларини ўтишини таъминлаш киради;

3) Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда - АБМ) - амалдаги қонунчилик ҳамда АБМ ва банклар ўртасидаги шартномаларга мувофиқ банклараро тўлов тизимининг техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ;

4) банкнинг вакиллик ҳисобварағи (кейинги ўринларда - вакиллик ҳисобварақ) - бу банкка МБ ҲКМда очилган ва банклараро электрон тўловлар ўтказишга мўлжалланган ҳисобварақдир;

5) электрон тўлов ҳужжати (кейинги ўринларда - ЭТХ) - бу пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган форматда яратилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатдир. Унинг электрон рақамли имзоси ва тўғри расмийлаштирилиши текширилганда, ижобий натижа берса, у асл нусхасидек юридик кучга эгадир. Кўриниш шаклида тақдим этилганда, ЭТХ асл ҳужжат сингари «Электрон» белгиси билан расмийлаштирилади;

6) ташаббускор (инициатор) банк - бу ЭТХни шакллантириш ва бошқа банк адресига жўнатиш йўли билан электрон тўловни бошловчи банкдир;

7) бенефициар банк - бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатилган ЭТХни қабул қилувчи банкдир;

8) электрон тўловни бошлаш - ЭТХни шакллантириш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш.

2. Банклараро тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги талабларга риоя этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд

пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни тезкорлик билан ўтказишни таъминлаш;

б) узатилаётган ЭТХларни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш;

в) электрон тўловларни тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя қилиш.

3. Банклараро тўлов тизими қуйидаги тамойиллар асосида ишлайди:

а) ЭТХни бирор белги бўйича қайта ишлаш устуворликлари йўқлиги ҳамда тизимда иштирок этиш учун адолатли ва ошқора рухсат;

б) фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қулайлиги ва электрон тўловни амалга ошириш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги;

в) ҳисоб-китоблар бўйича аниқ мажбуриятлар тизими бошқариш самарадорлиги;

г) ташаббускор банк томонидан электрон тўловларни бошлаш;

д) банкларнинг МБ ҲКМдаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда банкларда уларга тегишли ҳисобварақлардаги айланмалар ва қолдиқлар мос келганда электрон тўловларни амалга ошириш;

е) бошланган электрон тўловни бекор қилиш имконияти йўқлиги;

ж) юқори даражадаги хавфсизлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;

з) ташаббускор банкнинг электрон рақамли имзоси билан ЭТХ тасдиқлангандан бошлаб электрон тўловнинг чақириб олинмаслиги ва маблағлар бенефициар банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилгандан бошлаб электрон тўловнинг якунийлиги;

и) тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида маблағлар вақтинчалик етарли бўлмаганида, бошланган электрон тўловларни ўз вақтида якунлаш ва кун давомида тизимнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банк ўртасида тузилган алоҳида шартнома асосида зарур бўлган маблағларни етказиб бериш имконияти;

к) ЭТХ алмашувини қабул қилиш - назорат - узатиш технологик даврлар кўринишида ташкил этиш;

л) жисмоний шахсларга берилган тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари бўйича электрон тўловлардан ташқари, электрон тўловларнинг суммаси миқдори учун қўйиладиган чеклашларнинг йўқлиги.

4. Банклараро тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шахсий мулки ҳисобланади.

5. АБМ ва МБ ҲКМ банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

6. Банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари МБ ҲКМда вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади.

7. ЭТХнинг ўтиш схемаси 1-иловада келтирилган.

8. Банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланувчи банкларнинг МБ ҲКМ билан, банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар ўтказиш учун эса - АБМ билан тузилган икки томонлама шартнома асосида тартибга солинади.

9. Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжал-

ланган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши бўйича жавобгар банк мижози бўлади.

10. Маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда МБ ҲКМга қайта ишлаш учун узатиладиган ЭТХнинг шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик ташаббускор банкка, МБ ҲКМдан қабул қилинадиган ЭТХ учун жавобгарлик эса - бенефициар банкка юклатилади.

11. Банклараро тўлов тизими бўйича узатиладиган маълумотларнинг сақланиши, банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши учун, шунингдек, ЭТХнинг қабул қилинганлиги ва қайта ишланганлиги (ЭТХ рақамига, операция суммасига, операцияни амалга ошириш санаси ва тугатиш вақтига асосланган ҳисобга олган ҳолда) тўғрисидаги тасдиқномани, вакиллик ҳисобварағидан (оралиқдаги ва якуний) кўчирмани шакллантириш учун жавобгарлик АБМ ва МБ ҲКМга юклатилади.

II. Банклар ва уларнинг филиалларини банклараро тўлов тизимига улаш тартиби

12. Банклараро тўлов тизимига уланишнинг учта варианты мавжуд:

1) банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг уланиши;

2) филиалга эга бўлмаган банкларнинг уланиши (бунда электрон тўловлар банкнинг амалиёт бошқармаси орқали амалга оширилади);

3) банк филиалининг уланиши.

13. Банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини банклараро тўлов тизимига уланиши учун банк Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда хат билан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаментига (кейинги ўринларда - МБ ТТАД) мурожаат қилади.

Хатга асосан МБ ТТАД банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказини улаш ҳамда унинг филиалларининг вакиллик ҳисобварақларидаги қолдиқларини ўтказиш тартибини тайёрлайди.

14. Филиалга эга бўлмаган банкни ёки банк филиалини банклараро тўлов тизимига улаш учун, улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган, Банк Депозиторларининг Миллий Ахборот базаси (кейинги ўринларда - БДМАБ)да хос рақам (уникал код)га ҳамда банклараро тўлов тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши керак.

15. Филиалга эга бўлмаган банкларни уланиш тартиби қуйидагича:

1) Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти МБ ТТАДга банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТАДнинг ёзма хабарномасига мувофиқ, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реквизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТАДга бу ҳақда хабар беради;

3) Банк, хос рақам олгандан кейин, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзо калитини олиш учун, АБМга - МБ ҲКМнинг серверига кириш рухсатини олиш мақсадида аугентификация маълумотларини аниқлаш учун мурожаат қилади;

4) АБМ ходимлари ёрдамида бир қанча ЭТХларининг қабул қилиш - назорат қилиш - узатиш технолог алмашувини ўтказиш йўли билан банк тайёрлигининг синов текшируви ўтказилади.

Синов қуйидаги тартибда ўтказилади:

а) банкнинг маълумотлари синов мажмуасидаги те-

гишли маълумотнома (справочник)га киритилади;

б) дастлаб банк ходимлари билан ахборотлар алмашувини ўтказиш бўйича тушунтириш (инструктаж) ўтказилади;

в) синов мажмуасидаги банкнинг вакиллик ҳисобварағига банкнинг ишлаши учун устав фонди сифатида олдиндан келишилган сумма киритилади;

г) банк вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқни тасдиқлаш учун ахборотни ва ЭТХларини шакллантиради ҳамда АБМга синов тариқасида жўнатади, АБМ шакллантирилган маълумотларни тўғрилигини текширади;

д) АБМ банк учун вакиллик ҳисобварағини тасдиқлаш, иш тугаши ва ЭТХларнинг қайта ишланганлиги бўйича ахборотни шакллантиради, банк эса улар билан ишлай олишини тасдиқлаши керак;

е) синов банк тайёрлигини текширишда ижобий натижалар олингунча давом эттирилади.

Синов тугагандан кейин АБМ банк билан биргаликда банк ҳолатининг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузади;

5) Марказий банк Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ кўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТАД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборади.

16. Банк филиаллари МБ ҲКМда ҳисобварақлар очмаслигини инобатга олиб, банклараро тўлов тизимига филиалларни улаш бўйича барча тайёргарлик ишларини (филиалнинг тайёргарлик синов текшируви, электрон рақамли имзо калитини яратиш) банклар ўзлари олиб борадилар.

Филиалга хос рақам захиралаш учун банк бевосита АБМнинг БДМАБ бўлимига мурожаат қилади.

Филиал учун электрон рақамли имзо калитларини банкнинг Рўйхатга олиш маркази яратади. Банкнинг Рўйхатга олиш маркази мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиал учун электрон рақамли имзо калитларини яратиш учун Марказий банкнинг Рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиши мумкин.

Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш илтимоси билан, банк МБ ТТАДга хат тақдим этади. Унда банк филиалининг номи, манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан МБ ТТАД банк филиали учун БДМАБда хос рақам беради, электрон маълумотномасига киритади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида барча банкларга расмий хабарнома беради.

Филиални банклараро тўлов тизимида тўғри ишлаши бўйича жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

III. Банклараро тўлов тизими фаолият юритишининг бухгалтерия модели

17. МБ ҲКМда вакиллик ҳисобварақлари қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда юритилади:

1) МБ ҲКМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш амалиёт кун давомида амалга оширилади. ЭТХнинг муваффақиятли қайта ишланганлиги тасдиқланиши билан вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Узатиладиган ЭТХларида ҳимоя қилиш воситалари ёрдамида хатолар аниқланганда ёки ЭТХларни қайта ишлаш имконияти бўлмаганда, улар қай-

тарилади (файлни қайта ишлашда - файл бутунлигича қайтарилади), ва бу ҳақда электрон квитанция берилди;

2) Электрон тўловлар банклардан фақатгина вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи доирасида амалга оширилади, агарда МБ ҲҚМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса;

3) Банк банклараро электрон тўловлар ўтказишга ўзининг МБ ҲҚМдаги вакиллик ҳисобварағи ва банкдаги тегишли ҳисобварағидаги айланма ва қолдиқ суммаларининг мувофиқлигини таҳлил қилгандан кейингина киришади.

18. Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТХларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида № 2-7 иловаларда келтирилган ЭТХлар қўлланилади.

2) Ҳар бир ЭТХ ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (операция тури (кейинги ўринларда - ОТ)) билан белгилашни керак. Операциялар тури кодлари 8-иловада келтирилган;

3) Маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида банкнинг масъул ходими ЭТХ тайёрлашда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг барча реквизитларини тўғри киритиши керак;

4) Тўлов топшириқномасини (ОТ 01), тўлов талабномасини (ОТ 02), мемориал ордерни (ОТ 06) ва инкассо топшириқномасини (ОТ 11) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

ҳужжатнинг рақами;
ҳужжатнинг санаси;
тўловчининг номи;
тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
тўловчи банкнинг коди;
тўловчи банкнинг номи;
ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);
олувчининг номи;
олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;
олувчи банкнинг коди;
олувчи банкнинг номи;
ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

тўловнинг мақсади.

Тўлов мақсади қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:

а) тўлов нима учун ўтказилаяпти;
б) шартнома, ҳисобварақ, товар-транспорт ҳужжатлари, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилишда ишни қабул қилиш далолатномаси ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, маҳсулот ким орқали жўнатилганлиги тўғрисидаги ишончноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонунчиликка мувофиқ айрим тўловчиларга «тўлов мақсади» реквизитида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин.

5) Аккредитив учун ариза (ОТ 05)ни киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

аккредитив номери;
аккредитивни ёзиш санаси;
тўловчининг номи;
тўловчининг ҳисобварақ рақами;
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
эмитент банкнинг номи;
эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди,
аккредитив суммаси рақам билан;
етказиб берувчининг номи;

етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами;
аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;
аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)-нинг коди;

аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

аккредитив муддати.

Аккредитив шартлари:

а) аккредитив тури;
б) товар (маҳсулот), хизматнинг номи;
в) аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи;

б) Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чекини (ОТ 14) киритишда қуйидаги реквизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

чек берувчи банкнинг номи (чекнинг устки қисмида);

чек серияси ва рақами;

чекни бериш санаси;

чекнинг суммаси рақам билан;

чекнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);

« чек берувчининг исми, фамилияси, отасининг исми;

чек берувчининг паспорт серияси ва рақами;

чек берувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

чек берувчи банк бўлимининг коди;

чек берувчи банк бўлимининг номи;

чек қабул қилувчи корхонанинг номи;

чек қабул қилувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

« чек қабул қилувчи банк бўлимининг рақами;

чек қабул қилувчи банк бўлимининг номи; чек қабул қилинган сана; чекнинг амал қилиш муддати.

19. МБ ҲҚМ томонидан банкнинг вакиллик ҳисобварағи дебетиға ёки кредитига маблағ хато ўтказилганда, МБ ҲҚМ амалиёт куни давомида банкка хато ўтказилган тўловлар тўғрисида хабарнома жўнатиши керак. Банк, МБ ҲҚМдан хабарномани олганда, дарҳол шу амалиёт кунининг ўзидаёқ, вакиллик ҳисобвараққа хато ўтказилган маблағларни қайтаришни амалга ошириши керак.

20. Ташаббускор банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у бенефициар банкка хато ўтказилган тўлов тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисида хабарнома жўнатади. Бу ҳолда, хато ўтказилган маблағни қайтарилмаслигидан қатъи назар, ташаббускор банк маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт.

IV. Банклараро тўлов тизими орқали маълумотлар узатишнинг технологик жараёни

21. Соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда банклар вакиллик ҳисобварағининг олдинга кун ниҳоясидаги ҳолати тўғрисида маълумот узатадилар. Олинган маълумотлар АБМда банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари қолдиғи ва айланмаларининг банклардаги тегишли ҳисобварақлари билан мувофиқлиги назоратидан ўтади ва бу ҳақда банкка электрон квитанция узатилади. Бир хил бўлган ҳолда, банк ишлашга тушади, мос келмаса - банк улар сабабини аниқлайди ва бартараф этади.

Агар банк форс-мажор ҳолатлари бўйича бир ёки бир неча кун ишламаган бўлса, у АБМ билан ишни бошлашдан олдин, ўтган қайта ишланмаган кунларда тўпланиб қолган барча ЭТХларни қабул қилиши ва қайта ишлаши, жорий куннинг бошига вакиллик ҳисобварағининг ҳолатини аниқлаши ва фақат шундан кейингина ишни бошлаши шарт.

22. Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ЭТХларни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти.

1) Банклар мазкур даврнинг ҳар қандай вақтида МБ ҲҚМга ЭТХларни узатишлари мумкин;

2) Жўнатишга мўлжалланган ЭТХ назоратдан ўтади, банкнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, шифрланади ва банк телекоммуникация тармоғи бўйича МБ ҲҚМга бундан кейинги қайта ишлашлар учун узатилади.

23. Соат 17-00 гача Республика бюджети ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тегишли ҳисоб-варақларига маблағларни ўтказиш бўйича ЭТХларни узатиш амалга оширилади. Бунда соат 16-30 гача тижорат банклари ўртасидаги, соат 17-00 гача эса - тижорат банкларидан Марказий банк ҳамда Халқ банкига, шунингдек Марказий банкдан юборилган ЭТХларни қайта ишланилиши яқунланади.

24. Соат 17-00 дан АБМ банкларга куннинг яқунланиши ва яроқсиз (брак) деб топилган ЭТХлар тўғрисида (ташаббускор банк ва бенефициар банк бўйича) хабарнома жўнатади.

Шундан кейин АБМда «Куннинг яқунланиши» босқичи амалга оширилади. МБ ҲҚМда қуйидагилар «Куннинг яқунланиши» босқичини бажарилишининг шартлари ҳисобланади:

а) банклардан ЭТХни қабул қилиш вақтининг туғиши;

б) МБ ҲҚМга узатилган барча ЭТХ қайта ишланган ва банкларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларида акс эттирилган бўлиши керак.

Банкларда «Куннинг яқунланиши» босқичининг вақти банкнинг ички тўлов тизими қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

«Куннинг яқунланиши» босқичи чиқиш шакллари ни чиқариш, маълумотларни архивациялаш ва тизимни навбатдаги куннинг бошланишига тайёрлаш билан биргаликда боради.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусият (параметр)ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТХларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини назорат қилувчи Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтириши мумкин. Бу ҳақда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг туғишига бир соат қолғунига қадар кечиктирилмасдан хабардор қилинади.

26. Айрим банкларда алоҳида ажратилган ёки коммутация қилинган каналларнинг бузилиши содир бўлганда, ЭТХлар белгиланган ахборотларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда МБ ҲҚМга хизмат кўрсатувчи АБМнинг бўлимига бевосита дискеталарда тақдим қилиниши мумкин.

27. Ушбу иш тартиби фавқулодда вазиятлар ҳолати содир бўлганда қўлланилмайди. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда тизим қатнашчилари ва фойдаланувчиларининг иш тартиби Марказий банкнинг алоҳида меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки оммавий ахборот воситалари орқали хабар беради.

V. Банкларда ҳисоб-китобларни ташкил этиш

28. Банк филиаллари ўзининг мижозлари ўртасидаги барча тўловларни банк хизматини кўрсатиш учун тузган шартномасига мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

29. Банкнинг масъул ходими пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини олишда рўйхати 18-бандда келтирилган барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича визуал текшириш ўтказилади.

30. ЭТХларида банклар ва уларнинг филиаллари вакиллик ҳисобварақлари рақамини, шунингдек, МБ ҲҚМ коддини қўйиш тақиқланади.

31. Банк филиалида дебет ҳужжатлари (тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари, эмиссия тўловлари)ни

расмийлаштиришда қуйидаги тартиб мавжуд:

1) Эмиссия операцияларида мемориал ордер расмийлаштирилади:

ДЕБЕТ 20102, 20106;

КРЕДИТ 17301;

2) тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари бўйича операциялар учун:

ДЕБЕТ 20206, 29896;

КРЕДИТ 19903;

3) Банклар банк қонунчилик ҳужжатлари, ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилмаган ҳолларда, Марказий банк дебет мемориал ордерларни шакллантириш йўли билан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

32. Киритилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати асосида банкнинг филиалида дастурий равишда ЭТХ шакллантирилади, у ички назоратдан ўтади, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, шифрланади ва банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказига узатилади.

33. Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТХларига асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТХга асосан:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

КРЕДИТ 11005;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

34. Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 10301;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 14) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301;

2) Марказий банкнинг маълумотларни қайта ишлаш бўлимида ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ОТ - 01, 02, 05, 06, 11) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ОТ - 06) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази;

КРЕДИТ 11005;

35. Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказидан келиб тушган ЭТХлари филиалда ички назорат ва электрон рақамли имзоси текширувидан ўтади. Ижобий натижа олинганда, ўтказмалар филиал ва унинг мижозларининг тегишли ҳисобварақлари бўйича акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Агар мижознинг ҳисобварақ рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, бу ҳолда маблағлар олувчи учун 23206 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобвара-

ғига ёки тўловчи учун 17305 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ўтказилади, ундан уч иш куни мобайнида мақсади бўйича ҳисобдан ўчирилиши керак.

VI. Банкларнинг МБ ҲҚМ билан ўзаро ҳамкорлиги

36. Банклардан ЭТХ келиб тушганидан кейин, МБ ҲҚМда уларни автоматлаштирилган қайта ишлаш ташкил этилади.

37. Қайта ишлаш жараёнида келиб тушган ЭТХлар ички назорат ва электрон рақамли имзо текширувидан ўтади. Назоратдаги реквизитлар ёки электрон рақамли имзода хатолар аниқланганда, хато ЭТХлари қайта ишлашдан чиқариб ташланади. Шунингдек, ЭТХ БДМАБ базасида бенефициар банк ва ташаббускор банк мижозларининг ҳисобварақлари мавжудлиги бўйича реквизитлар назоратидан ўтади. Агар ЭТХнинг реквизитларида кўрсатилган ҳисобварақлар ўрнатилган тартибда БДМАБда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ЭТХ тегишли хато коди кўрсатилган ҳолда яроқсиз деб топилади.

38. Ҳар бир ЭТХ батафсил таҳлил қилинишидан олдин, қуйидагилар бўйича текширилади:

а) жорий куннинг бошида вакиллик ҳисобварағи ҳолатини текширганда ижобий натижа чиқиши;

б) электрон тўловни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағларнинг мавжудлиги.

39. Текшириш мобайнида, ҳар бир ЭТХ қайта ишлангандан кейин банкнинг вакиллик ҳисобварағида қолиши кўзда тутилган қолдиқ суммаси ҳисобланади. Файл алмашувида дастлаб ҳисобвараққа ўтказиладиган, кейин эса, ҳисобдан ўчириладиган барча электрон тўловлар ҳисобга олинади.


40. ЭТХда биронта хато аниқланса, шунингдек, электрон тўловларни амалга ошириш учун банкнинг вакиллик ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаса, мазкур ЭТХ қайта ишлашдан чиқарилади ва бу ҳақда банкка хато коди кўрсатилган ҳолда ахборот тақдим этилади.

41. Агар текширув жараёнида хатолар аниқланмаса ва вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловларни ўтказиш имконини берса, ЭТХ МБ ҲҚМ амалиёт кунидан кейинги қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтади.


42. Ҳар бир ЭТХ қайта ишлаш жараёнида МБ ҲҚМда тўлов ўтказмалари 11001, 11003, 21302, 21304 ва 27416 ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга 1-Илова

Электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиш СХЕМАСИ



(Давоми бор).



АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ТАДБИРКОРБАНК"

Рўйхатга олиш рақами: Марказий банкнинг № 37-сонли лицензияси, 2005 йил 25 июн.
Манзил: 700096, Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14.

ЎИГМА БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2005 йил 31 декабр ҳолатига

(МИНГ СЎМ).

№	МОДДАЛАР НОМИ	2005 йил	2004 йил
1	Активлар		
010	Нақд пуллар	4 504 651	688 383
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинган лозим бўлган	2 826 321	2 116 694
030	Бошқа банкдан олинган лозим бўлган маблағлар	6 603 042	794 647
040	Олди-сотди қимматли қозғалар-Савдо	55 771	60 121
041	Олди-сотди қимматли қозғалар-Носавдо		
050	Ҳосилвий молиявий инструментлар	0	0
060	Сотиш учун амалда мавжуд бўлган инвестициялар	303 482	369 914
061	Сўндириш муддатига сакланган инвестициялар	0	0
070	Ақсия РЕПО	0	0
080	Мижозларга берилган кредитлар ва аванс (бўнак)лар	26 259 334	37 590 638
081	Минус: эҳтимоллий йўқотишларга захиралар	(684 985)	(971 894)
082	Соф кредитлар ва аванслар	25 574 349	36 618 744
090	Молиявий ижара	2 495 145	1 808 987
100	Карам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар	10 130	0
101	Кўшма корхоналарга қилинган инвестициялар		
110	Гудвилл	0	0
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	6 360 774	5 003 695
130	Номоддий активлар (соф баланс қийматида)	176 186	108 632
140	Бошқа хусусий мулклар	389 965	476 274
150	Солиқ талаблари	128 523	80 029
160	Бошқа активлар	5 150 889	3 907 301
170	ЖАМИ: АКТИВЛАР	54 579 228	52 033 421
	Мажбуриятлар		
	Депозитлар		
181	Талаб қилинганча	15 007 912	13 223 588
182	Жамгарма	1 162 096	1 361 089
183	Муддатли	8 656 015	6 301 120
184	Депозит сертификатлари	0	26 955
185	Хукумат ҳисобварақлари	58 782	203 721
190	Жами: депозитлар	24 884 805	21 116 473
200	Марказий банкга тўланадиган маблағлар	0	0
210	Хукуматга тўланадиган маблағлар	13 010 772	16 520 732
220	Бошқа банкларга тўланадиган маблағлар	3 322 900	1 707 450
230	РЕПО ва бошқа банк қарзлари	6 206 071	5 857 514
240	Ҳосила молиявий инструментлар	0	0
250	Солиқ мажбуриятлари	152 782	221 977
260	Бошқа мажбуриятлар	817 232	1 191 441
270	Чикарилган қарз қимматли қозғалари	0	0
280	ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР	48 394 562	46 615 587
	Хусусий капитал		
300	Олдий акциялар	4 137 964	3 314 840
310	Имтиёзли акциялар	146 219	154 922
320	Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари	0	(577)
330	Жами: акциядорлик капитали	4 284 183	3 469 185
340	Қайта баҳолашга оид захиралар	687 711	698 023
350	Таксимланмаган фойда (тўланган тақчиллик)	1 212 772	1 250 626
360	Жами: хусусий капитал	6 184 666	5 417 834
370	ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	54 579 228	52 033 421

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(МИНГ СЎМ).


№	МОДДАЛАР НОМИ	2005 йил	2004 йил
1	Фойдали даромадлар		
011	Кредитлар бўйича фойдали даромад	4 376 872	4 610 322
012	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фойдали даромадлар	820 268	6 462
013	Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қозғалар бўйича фойдали даромадлар - савдо	2 053	0
014	Олди-сотдига мўлжалланган қимматли қозғалар бўйича фойдали даромадлар - носавдо	0	0
015	Сотиш учун амалда мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фойдали даромадлар	0	197
016	Сўндириш муддатига сакланган инвестициялар бўйича фойдали даромадлар	211	0
017	РЕПО бўйича тузилган акцилбитимларга оид фойдали даромадлар	0	0
018	Молиявий ижарага оид фойдали даромадлар	234 929	196 104
019	Бошқа фойдали даромадлар	46 318	227 734
020	Жами: фойдали даромадлар	5 480 651	5 040 819
	Фойдали харажатлар		
031	Талаб қилиб олинганча депозитлар бўйича фойдали харажатлар	(54 240)	(53 979)
032	Жамгарма депозитлар бўйича фойдали харажатлар	(134 478)	(123 884)
033	Муддатли депозитлар бўйича фойдали харажатлар	(642 638)	(608 540)
034	Депозитлар сертификатлари бўйича фойдали харажатлар	(1 695)	(5)
035	Хукумат ҳисобварақлари бўйича фойдали харажатлар	0	0
036	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фойдали харажатлар	(1 182)	(1 386)
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фойдали харажатлар	(696 266)	(177 956)
038	Бошқа қарз маблағлари бўйича фойдали харажатлар	(706 228)	(666 624)
039	Чикарилган қарз қимматли қозғалари бўйича фойдали харажатлар	0	0
040	РЕПО битимлари бўйича фойдали харажатлар	0	0
041	Бошқа фойдали харажатлар	(148 404)	(239 376)
050	Жами: фойдали харажатлар	(2 385 131)	(1 871 751)
060	Соф фойдали даромадлар	3 095 520	3 169 068
070	Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган эҳтимоллий зарарларга қарши шакллантирилган захиранин баҳолаш	(348 283)	(604 964)
080	Захиранин баҳолашнинг чиқариб ташлагандан сўнг қолган соф фойдали даромадлар	2 747 237	2 564 104
	Фойсиз даромад		
091	Воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар олинган даромад	4 595 747	3 624 202
092	Воситачилик ва кўрсатилган хизматлар ҳақинин тўлаш харажатлари	(870 632)	(740 337)
093	Савдо операцияларидан қўрилган фойда (зарар)	(68)	3 054
094	Валюта операцияларидан қўрилган фойда (зарар)	213 164	100 879
095	Дивидендлар шаклидаги даромад	17 204	0
096	Инвестициялардан қўрилган фойда (зарар)	5 678	36 120

097	Карам хўжалик жамиятлари ва кўшма корхоналар фойдалари (зарарлари)	0	0
098	Соф пул моддалари бўйича фойдалар (зарарлар)	(16 579)	(6 362,9)
099	Бошқа операциялар даромадлар	233 792	53 872
100	Жами: фойсиз даромадлар	4 178 306	3 071 427
	Операцион харажатлар		
111	Иш ҳақи ва ходимларга оид бошқа харажатлар	(2 723 121)	(1 969 743)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(1 025 212)	(858 285)
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	(239 619)	(168 001)
114	Маъмурий харажатлар	(606 657)	(631 462)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(542 790)	(479 065)
116	Амортизация - номоддий активлар	(39 150)	(64 511)
117	Сугурта, солиқ харажатлари ва бошқа тўловлар	(826 734)	(549 272)
118	Эҳтимоллий зарарларга қарши шакллантирилган захиранин баҳолаш	(90 301)	(1 785,7)
119	Бошқа операциялар харажатлар	(163 676)	(102 163)
120	Жами: операцион харажатлар	6 257 260	4 824 286
130	Даромад (фойда) солиғи тўланганча бўлган соф фойда (зарар)	668 283	811 244
140	Даромад (фойда) солиғинин баҳолаш	(631 762)	(576 414)
150	Соф даромад (зарар)	36 521	234 830
160	Бир акцияга тўғри келадиган базавий даромад	0,0105	0,0870
170	Бир акцияга тўғри келадиган бўлиб юборилган даромад	0	0

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

(МИНГ СЎМ).

№	МОДДАЛАР НОМИ	2005 йил	2004 йил
Операцион фаолиятдаги пул оқимлари			
020	Олинган фойзалар	5 480 651	5 040 819
030	Тўланган фойзалар	-2 385 131	-1 871 751
040	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар қўрилишида олинган пул маблағлари	4 595 747	3 624 202
050	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар қўрилишида тўланган пул маблағлари	-870 632	-740 337
060	Диллинг операциялари бўйича реализация қилинган соф фойда (зарар)	213 164	100 879
070	Хорижий валюта билан операциялар бўйича реализация қилинган соф фойда (зарар)	(68)	3 054
080	Олинган дивидендлар	17 204	0
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг қайтиши	0	0
100	Бошқа операцион даромадлар	239 470	89 992
110	Мол етказиб берувчилар ва ходимларга тўланган пул маблағлари	-5 561 269	-4 220 001
120	Тўланган даромад (фойда) солиғи	-615 588	-569 279
130	Пул кадрезланганининг операцион фаолиятга таъсири	-66 048	-36 345
140	Операцион активларнинг ва мажбуриятларнинг ўзгаришига қадар операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати	1 047 500	1 421 233
150	Операцион активларнинг соф камайиши (ўсиши):		
151	Марказий банк мажбурий захираларининг соф камайиши (ортиши)	819 260	254 047
152	Савдо қимматли қозғаларининг соф камайиши (ўсиши)	4 350	25 130
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф камайиши (ортиши)	0	0
154	Кредит ва аванс (бўнак)ларнинг соф камайиши (ўсиши)	-5 308 756	276 117
155	Мижозларга берилган кредит ва аванс (бўнак)ларнинг соф камайиши	10 996 885	-15 926 385
156	Бошқа активларнинг соф камайиши (ўсиши)	-2 044 378	-1 574 054
160	Операцион мажбуриятларнинг соф камайиши (ўсиши)		
161	Депозитларнинг соф камайиши (ўсиши)	3 795 287	(3 929 403)
162	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва хукуматга тўланиши лозим бўлган маблағлар соф камайиши (ўсиши)	-3 509 960	16 288 988
163	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар соф камайиши (ўсиши)	1 610 009	1 243 168
164	Савдога оид мажбуриятларнинг соф камайиши (ортиши)	0	0
165	Бошқа мажбуриятларнинг ортиши (камайиши)	-596 186	792 243
170	Операцион фаолиятдан соф пул маблағлари	6 814 011	-1 128 916
	Инвестиция фаолиятдан пул оқимлари		
190	Молиявий ижарадан тушумлар	-695 127	0
200	Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан бошқа қимматли қозғаларни сотиб олиш	0	0
210	Операцион фаолият сифатида таснифланганлардан бошқа қимматли қозғаларни сотиш	0	0
220	Шўба, карам хўжалик жамиятлари ва кўшма корхоналарни сотиб олиш, сотиб олинган пул маблағларининг ҳисобга олмаган қолди	0	-7 042
230	Шўба, карам хўжалик жамиятлари ва кўшма корхоналарни тасарруфдан чиқарилиши (сотиб олинган пул маблағларининг ҳисобга олмаган қолди)	588	0
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узок муддатли активларни сотиб олиш	-3 952 391	-1 717 135
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узок муддатли активларни сотиш	3 161 656	497 159
260	Инфляциянинг инвестиция фаолиятга таъсири	-352 214	-125 361
270	Инвестиция фаолиятдан олинган соф пул маблағлари	-1 837 488	-1 352 379
	Молия фаолиятига оид пул оқимлари		
290	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қозғалари бўйича тушумлар	343 713	26 955
300	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қозғалари бўйича тўловлар	-26 955	-440 787
310	Молиявий ижара бўйича тўловлар	0	0
320	Акцияларни чиқариш	929 658	529 492
330	Акцияларни бекор қилиш	0	0
340	Ўз акцияларини қайта сотиб олиш	0	0
350	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш	0	0
360	Пул шаклида дивидендлар тўлаш	0	0
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири	-280 506	-123 649
380	Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари	965 910	-7 990
390	Валюта курсининг ўзгаришларининг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	0	0
400	Инфляциянинг пул маблағлари ва пул эквивалентларига таъсири	-97 556	-145 147
410	Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф ортиши (камайиши)	5 844 877	-2 634 432
420	Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	1 348 198	3 982 630
430	Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	7 193 075	1 348 198



АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ТАДБИРКОРБАНК"
АКЦИЯДОРЛИК САРМОЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2005 йил 31 декабр ва 2004 йил ҳолатига

№	Устав сармоёси	Қўшилган сармоё	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами акциядорлик сармоёси	Захиралар	Таксимланмага н фойда	Жами ўз сармоёси
10	Ўтган йилнинг 1 январ ҳолатига мавжуд қолдик	3 127 750	0	3 127 750	1 762 603	117 877	5 008 230
20	Ҳисобдаги ўзгаришлар таъсири (солиқлардан ташқари)			0			0
30	Қайта ҳисоблагандан кейин			0			0
40	Даврда юзага келган			0			0
41	Сотиш учун мавжуд инвестициялар-ҳақиқий қиймати бўйича солиқларни олиб			0			0
42	Асосий воситаларни қайта баҳолашга оид захиралар			0	371 975		371 975
50	Суммаларни ўтказиш			0			0
51	Сотиш учун мавжуд инвестициялар-солиқларни олиб ташлаган ҳолда соф фойдани			0			0
52	Асосий воситаларга қайта баҳолашга оид захирадан ўтказиш			0	(221 956)		(221 956)
60	Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда	0	0	0	150 019	0	150 019
70	Соф фойда	(188 057)		(188 057)	(79 562)	(2 288)	(269 906)
80	Тан олинган соф фойда (зарар)	(188 057)	0	(188 057)	70 457	(2 288)	(119 887)
90	Оддий акциялари бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар			0			0
100	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар			0			0
110	Айирбошланадиган облигациялар-улушли компонент			0			0
120	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш-сотиш			0			0
130	Акциялар чиқариш	529 492		529 492			529 492
140	Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига мавжуд қолдик	3 469 185	0	3 469 185	1 833 060	115 589	5 417 834
150	Даврда юзага келган						
151	Сотиш учун мавжуд инвестициялар - ҳақиқий қиймати бўйича солиқларни олиб ташланган соф фойда (зарар)			0	748 765		748 765
152	Асосий воситаларни қайта баҳолашга оид захиралар			0			0
160	Суммани ўтказиш						
161	Сотиш учун мавжуд инвестициялар - ҳақиқий қиймати бўйича солиқларни олиб ташланган соф фойда (зарар)			0			0
162	Асосий воситаларни қайта баҳолашга оид захиралар				(708 568)		(708 568)
170	Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда (зарар)	0	0	0	40 197	0	40 197
180	Соф фойда	(114 660)		(114 660)	109 852	(198 215)	(203 023)
190	Тан олинган соф фойда (зарар)	(114 660)	0	(114 660)	150 049	(198 215)	(162 826)
200	Оддий акциялари бўйича ўтган йил учун дивидендлар			0			0
210	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йил учун дивидендлар			0			0
220	Айирбошланадиган облигациялар-улушли компонент			0			0
230	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш-сотиш			0			0
240	Акциялар чиқариш	929 658		929 658			929 658
250	Жорий йилнинг 31 декабр ҳолатига мавжуд қолдик	4 284 183	0	4 284 183	1 983 109	(82 626)	6 184 666

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "HOLIS GURUH" аудиторлик фирмаси (ЎЗР МБнинг 2002 йил 28 январдаги № 7 рақамли) лицензияси томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.
Юқорида келтирилган маълумотлар ҳақидаги ахборот банкнинг 2005 йил 31 декабр ҳолатига кўра банк ҳисоботининг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳолатидаги аудиторлик ҳулосасида ифода этилди.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

"ТЕЗКОР БАНКИНГ" – БАНК ХИЗМАТЛАРИ
БОЗОРИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

"МБРР" АТБ (Россия) "Тезкор банкинг" тизимини тижорат мақсадларида фойдаланишга жорий қилди. Бу янги банк маҳсулоти мижозларга банкдаги ўз ҳисобварақларини куну тун назорат қилиш, товарлар ва хизматлар ҳақини қўл телефони ёрдамида тўлаш имконини беради.

"Тезкор банкинг" – масофадан банк хизмати кўрсатиш тизимларини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири деб дадил айтиш мумкин. Банк хизматидан фойдаланувчилар орасида ўтказилган сўров уларнинг қарийб 75 фоизи жорий балансни назорат қилиш, бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа пул ўтказиш ҳамда ҳисобварақлар бўйича пул тўлаш ва оммавий хизматлар ҳақини тўлаш учун мазкур тизимлардан фойдаланишга тайёр эканлигини кўрсатди. 2004 йилдаёқ Японияда тезкор тўловлар ҳажми 5,5 млрд. АҚШ долларини ташқил қилди. Яқин беш йил ичида бозорнинг ушбу сегменти 5 баравар ўсиши кутилмоқда.

"Тезкор банкинг" тизимини ташкил этишнинг асосий қоидалари хавфсизлик, ишончлик ва унмдорликдир. Замонавий аутентификация усуллари қўлланилганлиги туфайли бу тизим мана шу талабларга жавоб бермоқда ҳамда кўрсатилаётган хизматлар мумкин қадар хавфсиз ва махфий бўлишини таъминламоқда.

Тизимнинг асосий унсури қўл телефонининг SIM-картасига жойлаштирилган банк иловасидир. У қўл телефонининг экранига қўлай интерфейсни таъминлайди ва фойдаланувчи операцияларни хавфсиз муҳитда амалга оширишига имкон беради. Операцияларни амалга ошириш чоғида транспорт сифатида SMS технологиясидан фойдаланилади.

"Тезкор банкинг" уч қисмдан: тезкор ахборот сервиси, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизими ва тўлов тизимидан иборат.

Тезкор ахборот сервиси ёрдамида мижоз карта статуси ёки

карта бўйича қўлай тўлов лимити ҳақида маълумот ҳамда карта бўйича амалга оширилган битимлар ҳақида мини-кўчирмалар, билдиришлар олиши; карта бўйича ҳисоб-китобларни тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши мумкин. Бунинг учун у банк иловасидан ўзи истаган операцияни танлаб олиши керак бўлади.

Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизими мижозга бир ҳисобварақдан бошқа ҳисобвараққа, шу жумладан банк карталарига эга бошқа мижозларнинг ҳисобварақларига маблағ ўтказиш; конверсия операцияларини амалга ошириш; белгиланган реквизитлар (алоқа, Интернет, квартира тўлови ва шу қабилар) бўйича тўловларни амалга ошириш; хизмат кўрсатувчилардан келадиган ҳисобварақлар бўйича пул тўлаш имконини беради. Бунинг учун банк иловасидан керакли операцияни танлаб олиш ва зарур реквизитларни экранга киритиш керак. Банк иловаси махсус SMS-хабар тузиб, уни банкка юборади. Банк олинган хабарни қайта ишлайди, талаб қилинган операцияни бажаради ва натижаси ҳақида мижознинг қўл телефонида хабар юборади.

Тўлов тизими иштирокчи банкларнинг ва савдо-сервис корхоналарининг, шу жумладан турли терминал ускуналардан (қўл телефони+касса аппарати, магнит чизиқли карталар учун POS-терминал, GSM POS-терминал ва бошқалардан) фойдаланадиган интернет-дўконларнинг тизимга уланишига имкон беради. Мижоз билан дўкон ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемаси куйидаги кўринишга эга. Мижоз савдо-сервис корхоналарида операция амалга ошириш учун сотувчига ўзидаги банк иловасининг идентификаторини маълум

қилади. Дўконнинг терминал ускунаси банкка сўров юборади, банк эса ўз навбатида ушбу операцияни тасдиқлаш учун сўровни мижозга SMS-хабар тарзида юборади. Мижоз операцияни тасдиқлайди ёки уни амалга оширишдан воз кечади, банк иловаси банкка тегишли SMS-хабар юборади, банк эса сўровни қайта ишлаш натижаси ҳақида савдо-сервис корхонасига хабар беради.

Тизим ахборотга рухсатсиз киришдан ҳимоялашнинг замонавий стандартларидан фойдаланади ва шу туфайли тўловларни хавфсиз муҳитда амалга оширишни таъминлайди. Ҳар бир SMS-хабар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бундай имзо динамик калитлар асосида тузилади ва 3DES стандарти бўйича калит билан шифрланади. Криптографик калитлар қўл-телефонининг SIM-картасида ҳимояланган жойда сақланади. Банк иловасининг менюсига кириш ПИН-код билан ҳимояланган. Ҳар бир молиявий операцияни тасдиқлаш учун ПИН-кодни киритиш талаб қилинади. Шу нарса ҳам муҳимки, "Тезкор банкинг" тизими ҳамма иштирокчиларнинг бизнеси ривожланишига ёрдам беради ва улардан ҳар бири даромад олишини кафолатлайди. Хизматдан фойдаланувчи шахс турли товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашнинг қўлай, хавфсиз ва ишончли усулига эга бўлади. Бу усул вақтни тежашга ҳамда банкдаги маблағлардан истаган вақтда фойдаланишга имкон беради. Иштирокчи банк янги хизматни тақлиф қилар экан: ўз имижини мустаҳкамлайди, янги мижозлар жалб этади ва мавжуд мижозларнинг хайрихоҳлигини кучайтиради; қўшимча маблағлар жалб этади, қўшимча чакана айланмага хизмат кўрсатади, хизмат кўрсатиш чиқимларини қисқартиради; ўз даромадларини оширади ва бошқа банклар билан рақобатда ўз устуңлигини таъминлайди. Савдо-сервис корхонаси эса янги юқори технологик хизматни тақлиф қилади ва шу тариқа янги мижозлар жалб этиб ва ўз имижини оширади.

Ахборот ва статистика бўлими
томонидан чет эл матбуоти материаллари
асосида тайёрланди.

«Banklararo maslahat xizmati» kompaniyasi tomonidan
2006 йил 5 май ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR

Номи	1 кун		1 ҳафта		1 ой		2 ой		3 ой		6 ой		9 ой		12 ой	
	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid
"Асака" банки	8↓	6↑	10↑	7↓	11↑	8↓	11↓	9↑	12↑	10↑	12↑	11↑	13↑	11↑	13↑	11↑
"Капиталбанк"	11↑	9↓	14↓	13↑	15↓	14↑	15↓	15↑	16↑	15↓	16↓	15↓	17↓	16↓	17↓	16↓
"Ғаллабанк"	10↓	9↓	11↓	10↓	12↓	11↓	12↓	11↓	14↓	13↓	14↓	13,5↓	15↑	14↓	16↓	15↑
"Ипак йўли" банки	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
"Ипотека банк"	11↓	9↑	14↑	12↑	15↑	13↑	16↑	14↑	17↑	15↑	18↑	16↑	18↑	16↑	18↓	16↑
Халқ банки	12↓	10↑	14↑	12↑	15↓	13↑	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↓	16↓	14↓
ЎЗР ТИФ МБ	11↓	8↓	13,5↑	10,5↑	14,75↑	11,75↑	15,25↑	12,25↑	16↑	13↑	16,25↓	13,25↓	16,75↓	13,75↓	17,5↑	14,5↑
"Пахта Банк"	10↓	8↓	11↓	9↓	12↓	10↓	14↑	10↓	15↑	12↓	15↑	12↓	16↓	13↓	17↓	14↓
"Равнақбанк"	10↑	9↑	14↑	13↑	15↑	14↑	15,5↑	14,5↑	16↑	15↑	16↓	15↓	17↑	16↑	17↓	16↓
"Трастбанк"	10↑	6↓	13↑	7↓	14↓	8↓	14,5↓	8,5↓	15↓	9↓	15↓	10↓	16↓	11↓	17↓	12↓
Ў-Т банк	12↑	9↓	14↑	11↑	15↑	12↑	16↑	13↓	16↑	14↓	16↓	15↑	17↑	15↓	18↑	15↓
"Ўзсавоатқурилишбанк"	12↓	9↑	14↓	11↑	15↓	12↓	16↑	13↑	16↓	13↓	16↓	13↓	17↓	14↑	18↑	15↑
UZIBOR			10,6↓	13,7↑	14,75↑		15,25↑		15,8↑		15,8↓		16,55↓		17,1↓	
UZIBID			8,8↓	10,9↑	11,95↑		12,65↓		13,4↓		13,75↓		14,15↓		14,7↓	
UZIAR			9,70↓	12,30↑	13,35↑		13,95↑		14,60↑		14,78↓		15,35↓		15,90↓	

Offer — сотиш; Bid — харид қилиш

АГРАР СЕКТОРГА ЖТТБ КРЕДИТИ

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки (ЖТТБ) иштирокида амалга оширилаётган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида 2006 йилда Ўзбекистонда 11,7 млн. АҚШ долларидан кўпроқ маблағни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини реструктуризациялаш агентлигидан шу ҳақда хабар беришди.

Агентликда аниқлик киритиларича, 11,7 млн. АҚШ долларининг 4 млн. доллардан кўпроғини хўжаликлар ичидаги ирригация ишларига, 7 млн. доллардан кўпроғини қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўрнимий техникаси ва механизмлар сотиб олиш учун кредит сифатида беришга сарфлаш мўлжалланган.

2002-2006 йилларга мўлжалланган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасининг умумий қиймати 43,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Шундан ЖТТБ берадиган заём 36,1 млн. АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукумати томонидан молиялаш миқдори 4,2 млн. АҚШ долларини ва бенефициарлар томонидан молиялаш миқдори 3,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Заём доирасида ҳозиргача 20 млн. АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад аграр бизнесни юритиш бўйича техникавий ёрдам ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш йўли билан қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ҳамда унинг барқарорлигини оширишдан, шунингдек хусусий секторни ривожлантиришдан, ирригация ва

дренаж инфратузилмасини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишдан, сувдан фойдаланувчилар ассоциацияларини ташкил этишдан иборат.

Лойиҳа Оҳангарон (Тошкент вилояти), Нишон (Қашқадарё вилояти), Марҳамат (Андижон вилояти), Шеробод (Сурхондарё вилояти) туманларида ва Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида амалга оширилмоқда. Бу туманлардаги суғориладиган умумий майдон 162 минг гектарни ташкил қилади.

Лойиҳа доирасида 35 та сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Хўжаликлараро дренаж инфратузилмасини реконструкциялаш, шу жумладан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида Асака адир канални модернизациялаш, Сурхондарё вилоятида Шерободдарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, Тошкент вилоятининг Оҳангарон вилоятида ва Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида хўжаликлар ўртасидаги сув йўллари тармоғини қайта тиклаш ишлари тугалланди.

Сув йўллари тармоқларини қайта ишга тушириш 5,5 минг гектардан ортиқроқ ерни қишлоқ хўжалигига яроқли ҳолга келтиришга ёрдам беради.

Лойиҳанинг машина-трактор паркларини ташкил этиш қисми доирасида тузилган контрактларнинг умумий суммаси 5,5 млн. доллардан ошиб кетди. Шу жумладан, "КЛААС" немис компаниясидан ғалла ўриш комбайнларини, Россия ва Беларусдан тракторлар ва тиркама ускуналарни сотиб олиш ҳақида контрактлар тузилди.

200 дан ортиқ фермер хўжалиги ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имтиёзли кредитлардан фойдаланди. Маблағларнинг 80 фоизи қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, 20 фоизи эса сабзавотчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантиришга, қайта ишловчи корхоналарни ташкил этишга сарфланди.

Лойиҳанинг ирригация-дренаж тармоғини қайта тиклаш қисми доирасида тендерларда ғолиб чиққан пудратчилар билан умумий суммаси 7,4 млрд. сўм бўлган 11 та контракт тузилди. 2006 йилда қурилиш жараёнида 2,5 млрд. сўмга яқин маблағ, шу жумладан 1 млрд. сўмга яқин давлат бюджети маблағларини ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Илгари хабар қилинганидек, ЖТТБ 2002 йилда Ўзбекистон ҳукуматида 20 йил муддатга, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли даврга заём берган эди. Ажратилаётган маблағларнинг 13,2 млн. АҚШ доллар ирригация-дренаж тармоғини қайта тиклашга, 12,8 млн. АҚШ доллари агросервис марказлари ташкил этишга, 5,9 млн. АҚШ доллари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун кредит линияларини тўлдиришга мўлжалланган.

ЎЗБЕК КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН HEMIS ЎҚУВ УСКУНАЛАРИ

Германиянинг Fujitsu-Siemens ва Lucas Nuelle компаниялари Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги 11 коллежни жиҳозлаш учун баҳоси 3,9 млн. евро бўлган ўқув ускуналарини етказиб берди, деб хабар қилишди республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан.

Вазирлик вакилининг айтишича, Fujitsu-Siemens контракт доирасида 1,39 млн. евро миқдоридан ахборот-технология ускуналарини, Lucas Nuelle 2,59 млн. евро миқдоридан ўқув ускуналари ва мебел етказиб берди.

Контрактларни молиялаш Германиянинг KfW банки Ўзбекистон ҳукуматида ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш учун 2005 йил охирида берган 7,7 млн. евро миқдоридан кредит ҳисобидан амалга оширилди.

Кредит 40 йил муддатга берилган бўлиб, шунинг 10 йили имтиёзли даврни ташкил этади. Фоииз ставкаси йилига 0,75 фоиз қилиб белгиланган. Унинг маблағлари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги 14 коллежни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга, муҳандис-педагог кадрларни ўқитишга, махсус адабиёт нашр этишга сарфланади.

Вазирлик вакилининг қайд этишича, кредит доирасидаги лойиҳани амалга ошириш жараёнида 3,2 млн. евро тежалган бўлиб, бу маблағ Германиянинг иккита компанияси билан қўшимча контрактлар тузишга йўналтирилди. Қўшимча контрактларни амалга ошириш 2006 йил сентябр ойига мўлжалланган.

Статистика маълумотларига қараганда, 1993-2005 йиллар мобайнида KfW Ўзбекистонга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникациялар, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги 14 лойиҳани амалга ошириш учун 177,23 млн. евро миқдоридан имтиёзли ва тижорат кредитлари берди.

"Туркистон-пресс" НАО.

МИКРОМОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

2006 йил 3 майда БМТ Тараққиёт Дастурининг "Солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва янги таҳрирдаги солиқ кодексини ишлаб чиқиш" ҳамда "Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш" лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан биргаликда "Микромолиявий институтларнинг ва молия бозорлари иштирокчиларининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш: муаммолар ва истиқболлар" мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

Кун тартибига молия бозорини янада эркинлаштириш, тадбиркорлар, энг аввало кичик тадбиркорлик субъектлари но-банк кредит ва инвестиция ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш масалалари киритилди. Кредит уюшмаларини ва молия бозорларининг бошқа иштирокчиларини солиққа тортишнинг амалдаги тизими, ушбу молиявий институтларни солиққа тортишнинг ҳозирги муаммолари ва уларни оптималлаштириш йўллари каби масалалар давра суҳбати иштирокчиларининг диққат марказида турди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Кредит уюшмалари ассоциацияси вакиллари ҳамда мамлакатдаги етакчи микромолиявий ташкилотлар раҳбарларининг чиқишлари тингланди.

Микромолиявий ташкилотларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичини таҳлил қилиш бир қатор ўткир муаммоларни жиҳатлар борлигини кўрсат-

ганлиги, шулардан асосийлари микромолиявий ташкилотларни солиққа тортишнинг микромолиявий фаолият табиғига мос келадиган тартибини ишлаб чиқишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масалалар ҳозирги вақтда кўриб чиқиляётган ва муҳокама қилинаётган "Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини қабул қилиш доирасида ҳал қилинаётганлиги қайд этилди. Шунингдек у янги таҳрирдаги солиқ кодексига ўз аксини топади. Шу билан бир қаторда, кредит уюшмаларини солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш кредит уюшмаларининг ресурс базасини кучайтиришга, аҳолининг мана шу молиявий воситачилик турига бўлган ишончини оширишга ҳамда аҳоли жамғармаларини жалб этиш суръатларини тезлаштиришга ёрдам бериши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Иброҳим ХОЛИҚОВ.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

"Банк ахборотномаси" газетаси,
"Бозор, пул ва кредит"
журнали таҳририятлари томонидан

Finance.uz

интернет-сайти ишга туширилди.
Сайтимизда банк-молия
соҳасига доир янгиликлар, таҳлилий
мақолалар ва бошқа ахборот жойлаштирилади.

Сайтимизга марҳамат!

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Яна бир бор эслатамиз!

"Банк ахборотномаси" ва "Банковские ведомости" газеталари ва "Бозор, пул ва кредит" журнали таҳририяти ўзининг янги манзилини маълум қилади:
700084, Тошкент ш., Ф. Мавлонов кўч., 1а.

Мўлжал: **Муртазов кўчаси билан кесишган чорраҳада.**
Телефонларимиз: **134-43-18, 134-75-19, 134-23-31**
www: **finance.uz**

e-mail: **bankingnews@tshtt.uz**

БАНА АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва
дипломатия университети

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш "Заковат"
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Таҳрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Таҳрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАО,

"Иқтисодий ахборот агентлиги",

"Бухоро-пресс" АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ф. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: **bankingnews@tshtt.uz**

www: **finance.uz**

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида **137-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-703

Тираж 6891 нуска.

Босишга рухсат этилди

6.05.2006 й.